



# Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Ҳурматли фестиваль иштирокчилари!**

**Қадрли дўстлар!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Сиз, азизларни Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этишдан ғоят мамнунман.

Ушбу анжуманда жаҳоннинг 70 та давлатидан 260 нафардан зиёд моҳир ҳунарманд ва усталар, таниқли илм, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этаётгани унга дунё миқёсида қизиқиш ва эътибор катта эканидан далолат беради.

Маълумки, ҳар қайси халқнинг амалий санъати унинг бой ўтмиши ва маданияти, азалий қадриятлари, орзу-интилишларини ўзида яққол акс эттиради.

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган бизнинг жонажон Ватанимиз ҳам ҳунармандчилик соҳасидаги ўлмас анъаналари, моҳир уста ва ҳунармандлари билан шуҳрат қозониб келади.

Айниқса, мана шу анжуманга мезбонлик қилаётган гўзал Фарғона вилояти, юртимизнинг қадимий шаҳарларидан

бири бўлмиш Ҳўқонди латиф ўзининг бу борадаги бетақдор мероси, тарихий мактаблари билан алоҳида ажралиб туради.

Биз бу ўлкада кулчилик, ипак ва абрли матолар ишлаб чиқариш, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва наққошлик санъати, пичоқчилик, дўппидўзлик каби ҳунар турлари кенг ривожланиб, миллий бренд даражасига кўтарилгани билан фахрланамиз.

Жаҳон ҳунармандчилик кенгаши қарорига кўра, Қўқон, Бухоро ва Марғилон каби кўҳна шаҳарларимизга Ҳунармандчилик шаҳри мақоми берилганини биз асрлар мобайнида авлоддан-авлодга безавол ўтиб келаётган боқий анъана ва қадриятларимизнинг юксак эътирофи сифатида қабул қиламиз.

**Азиз дўстлар!**

Кейинги йилларда юртимизда халқ бадий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, бу борада тарихий анъаналарни изчил давом эттираётган моҳир усталарнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, қисқа муддатда бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ушбу соҳа вакиллари зарур

имконият ва имтиёзлар яратиб берилганини таъкидлаш лозим. Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз туфайли миллий ҳунармандчилик санъати жадал ривожланмоқда. Бунинг тасдиғини сўнги етти йилда "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари 7 баробардан зиёд кўпайиб, 10 минг нафардан салкам 80 минг нафарга етгани, соҳада банд бўлганлар эса 280 минг нафарни ташкил этаётгани яққол кўрсатиб турибди.

Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, иқтидорли шоғирдлар тарбиялаб, ўз ижодий мактабларини яратган қўли гул усталаримизнинг шарафли меҳнати давлатимиз ва жамиятимиз томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Юзлаб уста ва ҳунармандларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланмоқда.

Ҳунармандчилик халқимиз кундалик ҳаётидан тобора мустақкам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда шу йўналишда юздан зиёд фестиваль ва ярмаркалар, савдо кўргазмалари ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивалига уйғун ҳолда Риштон туманида

Халқаро кулчилик форуми бўлиб ўтаётгани ҳам бежиз эмас. Нега деганда, Риштон нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиёда кулчилик маркази сифатида маълум машҳурдир.

Албатта, мана шундай анжуманлар халқ амалий санъатига дахлдор қадимий меросимизни асраб-авайлаш, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ёшларимизни нодир касб-ҳунарларга ҳурмат ва меҳр руҳида тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, бугун очилаётган ушбу фестиваль санъат ва дўстлик, истеъдод ва маҳорат байрами сифатида барча иштирокчилар ва халқимиз қалбида ёрқин из қолдиради, деб ишонаман.

Сиз, ҳурматли фестиваль қатнашчиларига сихат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, анжуман доирасидаги илмий-амалий конференция ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Хуш келибсиз, қадимий ва бетақдор Ўзбекистонга, хуш келибсиз, гўзал Қўқон шаҳрига!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти.**

## Қўқонда ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ



**Бундан икки минг икки юз йил аввал ҳозирги Фарғона водийсига келган Хитой императорининг элчиси "Бу юрт ҳунармандчилик ривожланган маданий марказ экан" деб ёзгани ўз ҳисоботида.**

Дарҳақиқат Марғилон, Қўқон шаҳарларида қадимий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган. Сўнги йилларда эса уста-шоғирд анъаналари кучайди, оилавий сулолалар ҳунармандчилик турларини санъат даражасига олиб чиқдилар. Ай-

нан шунинг учун ҳам мана иккинчи борки, Қўқонда Халқаро ҳунармандчилик фестивали бўлиб ўтмоқда.

Хабарингиз бор, фестиваль кеча эрта тонгда бирдамлик юришидан бошланди. Сўнг ҳунармандчилик музейи очилди.

"Ўзбекистон ҳунармандчилиги" китоби тақдимоти ва ил-

мий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Соат 19.30. Чорлов мусиқаси остида Қўқон ўрдаси пойида йиғилган 70 давлатдан келган усталар, юртимиз ҳунармандлари иштирокида II Халқаро фестивалнинг тантанали очилиш маросими бошланди.

Президент Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари Одил Абдурахмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фестивал ишти-

рокчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

Унда, жумладан, сўнги йилларда Ўзбекистонда 100 дан зиёд фестиваль ва форумлар ўтказилгани, Қўқондаги II Халқаро ҳунармандчилик фестивали эса санъат, дўстлик ва истеъдод ривожига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Бутунжаҳон ҳунармандлари кенгаши президенти Саад Ал-Кадумий тахликали дунё воқеалари даврида Ўзбекистонда бундай ёрқин фестиваль

ўтказилиши Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатнинг нақадар тўғрилигини кўрсатади, деди.

– Ҳеч шубҳа йўқки, Қўқон фестивали дунё ҳунармандчилиги тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Фестиваль майдонига иштирокчи мамлакатлар байроқлари олиб кирилди.

Шундан сўнг ўрдага уйғунлашган сахнада Ўзбекистон санъат усталарининг гала концерти бошланди.

– Мен узоқ Италиядан келдим. Қўлда тўқилган ипак матодан кўйлақлар дизайнини яратаман, – дейди ҳунарманд Антонелла Алотто. – Ўзбекистон истеъдодлар мамлакати эканига ишонч ҳосил қилдим. Қолаверса, давлат раҳбарингиз санъатсевар инсон деб билдик. Уларнинг табригида, айниқса, ёшлардаги қобилият катта истеъдодга айланиши учун барча шароитлар яратилажаги ҳақидаги фикр менга ёқди. Бу қадар гўзал фестивалда иштирок этганимдан бахтиёрман.

Бугун 22 сентябрь кунини фестиваль доирасида Риштон куллар форуми бўлиб ўтмоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**  
**Муқимжон ҚОДИРОВ**  
**олган сурат.**



## Халқаро хунармандчилик фестивали

# ТАРИХ ВА БУГУНГИ ЗАМОН НАФАСИ УЙҒУНЛАШГАН АНЖУМАН

**Қўқон шаҳрида бўлиб ўтаётган II Халқаро хунармандчилик фестивалида 70 та хорижий мамлакатларнинг 200 дан зиёд хунарманд, олим, дизайнер ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, мамлакатимиз вилоятларидан энг моҳир 700 нафар хунармандлар иштирок этаётгани унинг нуфузи ва аҳамияти қанчалик юқорилигини кўрсатмоқда.**



Таъкидлаш лозимки, бу фестиваль – олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ва анъаналарни ўзида яққол намоён этадиган, дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир. Чунки иштирокчилар орасида Ҳиндистон, Америка, Буюк Британия, Россия, Болгария, Миср, Хитой, Марокаш каби тўрт қитъа вакиллари бор. Фестиваль қатнашчиларнинг тантанали юриши билан бошланди. Унда хорижий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар, маҳаллий ҳокимлик вакиллари, хунармандлар, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Фестиваль муҳим жиҳати билан тарихда қолади. Унинг дастурлари доирасида халқаро хунармандчилик музейи фаолиятини бошлади.

Унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

– Ўзбекистон тарихида илк бор бу мақомдаги музей ташкил этилди ва унга 40 дан зиёд мамлакат хунармандлари яратган ноёб асарлар қўйилди, – деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаментининг раҳбари Одил Абдурахмонов. – Биз жаҳон хунармандлар кенгаши билан бундан буён ҳам ҳамкорликни мустақамлашмиз.

Тантанада сўзга чиққан Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши президенти Саад Ал-Кадумий, Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ва бошқалар мазкур музей дунё хунармандчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшишини айтиб ўтдилар. Шунингдек, анжуманда Риштонга жаҳон хунармандлар шаҳри мақоми бериш масаласи ҳам кўтарилди.

Халқаро хунармандлар музейидан жой олган Осиё, Европа, Африка давлатлари моҳир касб-кор усталарнинг кулолчилиги, кашта-



чилик, кандакорлик ва бошқа йўналишдаги қўл ишлари, ҳақиқатан, санъат даражасида яратилгани билан ҳайратланарли эди. Буни хорижлик меҳмонлар ҳам тан олишди.

– Бундай тўрт йил аввал бўлиб ўтган I халқаро фестивалда ҳам иштирок этгандим, – дейди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекис-



тондаги фахрий элчиси Карол Робертсон Лопез. – Ўтган йиллар давомида юртингизда жуда катта ўзгаришлар рўй берга-



лар кўргазмаси, модалар намойиши, халқ сайиллари бўлиб ўтади. Космос ўзлаштирилганига 70 йилдан ошди. Куни кеча ҳиндистонликлар ойга кема қўндирди. Аммо бу ютуқларнинг асоси, пойдевори қадим-қадимдан хунармандликдан бошланган. Балки, шунинг учундир, Ўзбекистонда хунармандчилик ҳамиша эътиборда.

фестиваль экспонатлари билан бойитаман.

Фестиваль доирасида Қўқон шаҳар мусиқали драма театрида “Анъанавий бадиий хунармандчиликни сақлаш ва ривожлантириш соҳасида жаҳон амалиёти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш борасида сўз борди. Ҳар бир халқнинг миллий хунармандчилиги ўша халқнинг ўзлигини кўрсатувчи, эртасини белгиловчи муҳим қадрият экани қайд этилди.

Художон Урдаси майдонида халқаро хунармандчилик фестивали қатнашчиларининг энг сулуотлари кўргазмаси, маҳаллий ва хорижий кулоллар маҳсу-

лотлари кўргазма – савдоси, “Кوشинпазлик – ютуқ ва муаммолар ҳамда кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқилиши ва экспорти соҳасидаги муваффақиятлар ва тўсиқлар” мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Бугун ва эртага фестиваль давом этади. Шу кунлари Риштон туманида ўтказиладиган Кулолчилик форумида 30 та давлатдан 60 нафар ҳамда мамлакатимизнинг 14 та худудидан 100 нафар кулоллар қатнашади.

Форум иштирокчилари жорий йилда “Оқ ер” ва “Қалайнав” маҳалла фуқаролар йиғинларида ишга туширилган кулолчиликка ихтисослашган “Хунармандлар марказ”лари билан танишадилар. “XXI аср кулолчилиги: анъаналар ва инновациялар” халқаро анжуман ташкил этилади. Қўқонда Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммадали Юнусов ҳамда хорижлик ва маҳаллий миллий матолар тўқувчи усталар мактаблари намояндалари билан учрашувлар, маҳорат дарслари, хунармандлар кўргазмаси, модалар намойиши, халқ сайиллари бўлиб ўтади.

Космос ўзлаштирилганига 70 йилдан ошди. Куни кеча ҳиндистонликлар ойга кема қўндирди. Аммо бу ютуқларнинг асоси, пойдевори қадим-қадимдан хунармандликдан бошланган. Балки, шунинг учундир, Ўзбекистонда хунармандчилик ҳамиша эътиборда.

– Бундай тўрт йил аввал бўлиб ўтган I халқаро фестивалда ҳам иштирок этгандим, – дейди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекис-

тондаги фахрий элчиси Карол Робертсон Лопез. – Ўтган йиллар давомида юртингизда жуда катта ўзгаришлар рўй берга-

## КЕЛАЖАК УЧУН АҲАМИЯТИ КАТТА ФЕСТИВАЛЬ

**Саад Ал - КАДУМИЙ**  
**Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши президенти:**

– Биласизки, онам Қўқон I хунармандлар фестивали ташкилотчиларидан бири эди. Улар ўша 2019 йили фестивалдан қайтгач, то умрининг охиригача Ўзбекистон, Қўқон фестивали ва санъатсевар Президент Шавкат Мирзиёев ҳақида энг ҳаяжонли хотираларини сўзлаб келдилар. Аслида, бугун бу ерда онам бўлиши керак эди, аммо I хунармандлар фестивали қабул қилган дастурни бажаришга менинг насибам қўшилди ва бундан бахтлиман.

Ўзбекистон жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшиб келаётган давлат. Айниқса, ёшлар, иқтидорли инсонларни қўллаб-қувватлаш энг олий қадриятга айланган. Бу гал Қўқонда дунё хунармандчилиги музейи ташкил этилиши тарих ва келажак учун аҳамияти катта бўлган воқеадир. Биз Риштон кулоллари тажрибаси асосида халқаро форум ўтказдик. Дизайнерлар кўриги эса фестиваль гултожига айланди.

Ишончим комил, Қўқон II халқаро фестивали барча қатнашчилар учун бир умрлик таассурот қолдиради.



## СЎЗ ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Мирриям ЕБРАХАШСИН,**  
**Исроил:**

– Риштон кулолчилик мактаби дунё миқёсида тан олинган. Исроилдаги музейларда ҳам уларнинг намуналари бор. Мана энди мен бу мактаб тажрибасини шу ерда, ҳамкасбларим билан мулоқотда ўрганишман. Ўз давлатим кулолчилиги намуналарини олиб келдим фестивалга.

**Кристине УЭЛСС,**  
**Греция:**

– Европада ҳам кулолчилик ривожланиб борапти. Аммо Ўзбекистон хунармандлари энг пешқадам кулолчилик мактабини яратганлар. Фестиваль доирасида ўз маҳсулотларимни намойиш эташман ва Риштон кулолчилиги тажрибасини ҳам ўрганиб борапман.

**Олим ИШЕКМАН,**  
**Туркиянинг Кутания тумани ҳокими:**

– Ўзбекистондаги тинчлик, барқарорлик ҳавас қилгуликдир. Биз етти нафар хунармандлар билан қатнашяпмиз. Зеро, ўзбек ва турк халқлари биродар ва уларнинг санъатлари ҳам ҳамоҳанг. Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган очиклик сиёсатини қўллаб-қувватлайман. 70 та мамлакат хунармандларига ўзаро тажриба алмашиш имконининг яратиб берилиши ҳам ана шу очикликнинг инъикосидир.

**Ойша АДЛМАН,**  
**Бирлашган Араб Амирлиги:**

– Мен сайёҳлик компаниясини бошқараман. Диёрингиз жуда гўзал экан. Келгусида, албатта, сайёҳлар юбориш ва қўқонликларни эса Абу Дабиға келиб дам олишларини ташкил этаман. Хунармандлар фестивали биз туроператорларга ҳам қулай имкониятлар яратди.

**Уста ФОНИЯ,**  
**Эрон Ислон Республикаси:**

– Мен Эрон каштачилигининг ўзига хослиги, ипак мато, ипак тола ва маҳорат уйғунлигини акс эттирмоқчи бўлдим. Аммо Ўзбекистон, хусусан, Марғилон ипақдўзлари маҳоратига тан бердим. Биз фестиваль доирасидаги мулоқотлар чоғида, албатта, дўстлашдик ва тажриба алмашдик. Эронга қайтгач, кўрганларимни дўстларимга фахр билан гапириб бераман.

**Абдужаббор ХАТРИ,**  
**Ҳиндистон:**

– Пилла Оллоҳнинг неъматини ва унга ҳамиша пок қалб, пок бармоқ урилиши керак. Мана бу матонинг ҳар бир сантиметрида 170 тагача тола бор. Унга каштачилик услубида мойчечак гулларини ўрнатдим. Шу бир кийимлик кўйлакни йиғириб, пишитиб тўқиш ва гул солишга икки ой меҳнат қилдим. Бугун бу ерда кўрдимки, ипакчилик Ўзбекистонда ҳам тараққий этган экан. Бизга ҳамкорлик ўрнатиш, тажриба алмашиш имконини берган Ўзбекистон ҳукуматиға миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Ўз мухбиримиз.**  
**Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**



✓ Кун жараёни

## ГЕКТАРИДАН 60 ЦЕНТНЕР ПАХТА –

**Хаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, йиллар ўтар, лекин пахта етиштириш Ўзбекистон учун муҳим зарурат ва даромад манбаи бўлиб қолаверади.**

Бугун пахтани тозалаш заводлари туну кун ишламоқда. Териб олинган ҳосил пешма-пеш хирмонларда бўй чўзаяпти. Ҳеч қаерда 6-7 йил аввалгидек штаб, оммавий сафарбарлик, мажбурий меҳнат деган гаплар йўқ. Ҳамма ўзининг иши билан банд. Бунинг биринчи сабаби – мамлакат пахтачилигида бозор муносабати қатъий қарор топганида. Унинг самарасини биргина Ёзёвон туманидаги “Мезон” фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундан бир неча йиллар илгари “Исроилда пахта томчилатиб суғорилар экан, бир гектар майдондан 45-50 центнер пахта ҳосили олинаркан”, деган гапларни эшитиб, ҳайратга тушганимиз ҳам рост. Ўшанда Ўзбекистон шароитида, жумладан, Ёзёвон чўлларида 1 гектар майдондан 60 центнердан пахта олиш афсона эди. Бугун у ҳаёт ҳақиқатига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан пахтачиликка илм, илмий изланишлар кириб келиши ҳосилдорлик ошишига олиб келди.

“Мезон” фермер хўжалиги далаларида очилган пахталар денгиз мисол чайқалиб турибди. Бу ерда биринчи теримнинг ўзидаёқ 55 центнердан ортиқ ҳосил йиғиб-териб олинмоқда.

Фермер Воҳиджон Обидов мутахассислар билан маслаҳатлашиб, кўчатлар сонини кескин кўпайтирди.

– Бир гектар майдонда 250 мингта кўчат ҳосил қилдик. Илгари бунча кўчат 2-2,5 гектар ерда бўлар эди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Обидов. – Ҳозир эса биз ўша 2 гектар пахтазор харажатини 1 гектар харажати билан қоплаяпмиз. Бундан ташқари, яғана, чеканка ҳам қилинмайди. Қолаверса, ҳосил икки теримда эмас, бир теримдаёқ йиғиб олинади.

Воҳиджоннинг яна бир ютуғи шундаки, у бир неча навларни синаб кўриб, ерига мосини топиб экди.

Бу йилги уруғлик чигит “С-8290” ва “С-6775” навлари бўлиб, тўртинчи типга тааллуқли эди. Биринчи теримдаёқ 55 центнердан пахта йиғиб-териб олинган. Ўтган йили айнан шу нав ўртача 50-55 центнердан ҳосил берганди. Бу йил унга нисбатан кўчат сони кўпайди. Табиийки, кўсаклари сони ҳам ошди. Бир чаноқ пахта



## БУ ҲАҚИҚАТ!

5-6 грамм, айримлари 8-9 граммгача чиқмоқда. Ҳар бир чаноқдаги чигитлар сони эса 10 тагача етган.

Сир эмас, Ўзбекистонда майдонга кетма-кет экиладиган пахта ва ғалла ернинг кучини “сўриб” олади. Тупроқнинг қуввати шу пайтгача асосан минерал ўғитлар билан тўлатилапти. Ёзёвонлик фермер бошқача йўл тутди, яъни даланинг ўзида табиий ўғит яратди.

– Авваллари ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун ўғит кўп солиш зарур эди. Ҳозир эса пахта-си териб олинган майдонлардаги ғўза пояларини майдалаб қирқиб, ерга сочиб юборяпмиз, – дейди Воҳиджон. – Бу, аввало, тупроқ таркибини ўзгартирди, унинг

унмдорлиги ошди. Масалан, илгари дон экишдан аввал ҳар бир гектар ерга 1 тоннадан фосфор солиш талаб этилган. Ҳозир биз 500 килограммга келтирдик. Сабаби, унинг ўрнини майдалаб сочилган ғўза пояси қоплади.

Аслида фермердан даромади ҳақида сўрамоқчи эмасдик. Аммо унинг ўзи бу ҳақида сўз очди.

– Ўтган йили пахтанинг ўзидан 1,5 миллиард сўм соф даромад кўрдик. Бу йил 2 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда. Ғўза поясини майдалаб ерга сочганимиз тўфайли, пахта ўрнига экилган дондан ўтган йили ўртача 70-80 центнердан, бу йил эса 92-95 центнердан ҳосил олдик. Ғалланинг ўзидан

фермер хўжалигимиз 1,5 миллиард сўм соф фойда кўрди. Йиллик даромадимиз эса 3 миллиарддан ошади, – дейди фермер.

“Техника – деҳқоннинг қаноти”, деган гаплар бежиз айтилмаган. 140 гектар майдонда деҳқончилик қилиш, пахта ва ғалладан рекорд ҳосил олиш учун соз ва зарур техника воситалари бўлиши лозим. Фермер аввалги йиллар даромадини асосан шунга йўналтирди.

Юқори унумли техникалар олди. “Puma”, “New holding” харид қилди. Макка ўрадиган ва силос қиладиган комбайни бор. Яқинда кўрак сидирадиган механизм ҳам олиб келинди. Чопиқ ва транспорт тракторлари, ОБХ мавжуд. Техника масаласида кластердан ёрдам олмай қўйишди. Чунки техникага эҳтиёж қаноатлантирилган.

Фермер хўжалигидаги экин майдонлари асосан 10 гектардан катта, қолаверса, чорбурчак. Воҳиджоннинг айтишича, келаси йил бу пахта майдонларига терим машиналари тушади.

– Ҳозир шу масалани муҳокама қиляпмиз. Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон шароитида пахтадан 50-60 центнер, ғалладан эса 100-120 центнер ҳосил олиш мумкин деганлар. Биз бу гаплар ҳақиқат эканини исботладик, – дейди Воҳиджон Обидов фахр билан. – Учинчи йилдирки, 50-60 центнердан пахта оляпмиз. Ғаллада эса 95 центнерлик маррани эгалладик. Худо хоҳласа, уни ҳам 100-120 центнерга чиқарамиз.

Сиз, азиз деҳқонларимизга эса айтар сўзимиз шу: Фарғонанинг Ёзёвонига келинг, “Мезон” фермер хўжалиги тажрибасини ўрганинг!

Муҳаммаджон ОБИДОВ.

Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.







Экспорт

## ОЛТИАРИҚ МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ — ХОРИЖГА

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантириш борасида туманимиз катта салоҳиятга эга. Олтиариқлик миришкорлар етиштираётган мева-чева-ю, полиз экинлари ички ва ташқи бозорда харидоргир.**

Туманнинг иқлим шароити, етарлича меҳнат ресурслари мавжудлиги туфайли деҳқончиликда миришкормиз. Аҳоли томорқалари, фермер хўжаликларида боғ ва дала неъматлари етиштириш ҳажми тобора ортиб, уларга бўлган ички

эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш баробарида, экспорт салмоғи ҳам ортиб бормоқда.

Ўтган 2022 йилда жами 91,5 миллион АҚШ доллариллик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хориж бозорларига етказиб берилган бўлса, бу рақам жо-

рий йилнинг 8 ойида 90,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Туманда 51 та корхона мева-сабзавот экспорти билан шуғулланади. Маҳсулотларни сақлаш учун катта ҳажмдаги музлаткичлар қурилган. Бугунги кунда турли сиғимдаги 100 дан ортиқ музлаткичли омборхоналар мавжуд. Йиғиб-тегиб келтирилган маҳсулотлар бу ерда меъёрдаги даражада сақлаб турилади.

Узумчилик — энг сердаромад тармоқлардан саналади. Бу соҳага Олтиариқда катта эътибор қаратишади. Бизнинг узумлар аллақачон дунё бозорига ўз харидорини топган. Айни кунларда полиз маҳсулотлари билан бир қаторда, узум экспорти асосий ўринни эгаллаб турибди. Етиштирилган "Келин бармоқ", "Хусайни", "Каттақўрғон"



каби узум навларининг донғи етти иқлимга етган.

Фермер хўжаликларида, томорқаларда пишиб етилган узум ҳосили юк тайёрловчилар томонидан музлаткичли омборларга жойланмоқда.

Туманимизда мева-сабзавот экспорти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларидан "Navvo group" МЧЖ 17 397 минг АҚШ доллариллик 35 932 тонна, "Hello fruits opne" МЧЖ 22 796 минг АҚШ доллариллик 49 397,1 тонна маҳсулотни хориж бозорларига олиб чиққан бўлса, "Santer kompaign" МЧЖ 35 243,7 тонна мева-сабзавот экспорти

эвазига олинган 18 088 минг АҚШ доллари билан туманимиз иқтисодийётига салмоқли ҳисса қўшди. Деҳқонларимиз етиштирган маҳсулотларга Қозғистон, Россия, Украина давлатлари асосий харидор саналади.

Туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти борасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад дунё бозорига янада кенг йўл очишдир.

**Муродилло АЛИЕВ,**  
Олтиариқ тумани  
инвестициялар, саноат  
ва савдо бўлими бошлиғи  
ўринбосари.



"Ёшлар" кичик саноат зонасида

## ТОШЛОҚ ЕР ЎРНИДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХА

Илгари қум барханлари устида қаровсиз ётган Тошлоқ туманидаги Бешолиш даҳаси бугун тадбиркор ёшлар билан гавжум. Бу ҳудудда 119,2 гектар майдонда "Ёшлар" кичик саноат зонаси ташкил этилди. Тўқимачилик, чарм-пойабзал, мебелсозлик, озиқ-овқат саноати бўйича лойиҳалар жойлаштирилиб, уларда юзга яқин иш ўрни яратилди. Вақтинча ишсиз, уюлмаган ёшларнинг бандлиги таъминланди. Саноат зонасида тадбиркорларга 10 сотихдан — 1 гектаргача ер майдони ажратилди.

Тез фурсатларда кичик саноат зонасида мустақил бизнес юритишни бошлаган ёшлар учун барча қулайликларни яратиш мақсадида юқори кучли электр узатмалари тортилиб, янги подстанция

ўрнатилди. Йўл, табиий газ, сув тармоқлари тортилди.

"Қанжирға" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудда яқинда иш бошланган "Ice milk bif" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган кенг ассортиментдаги музқаймоқлар тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Тадбиркор Аслиддин Дадажонов томонидан ишлаб чиқилган истиқболли лойиҳа амалга оширилиши учун жамиятга Хитойдан 6 миллиард сўмга замонавий технологиялар харид қилинди. Натижада 30 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда корхонада тайёрланаётган сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлар бутун мамлакатимиз бўйлаб савдо тармоқлари, супермаркетларга етказиб берилмоқда.



Ўтган ойда тадбиркорлик субъектининг даромади 200 миллион сўмни ташкил этди.

Ҳар бир ходим ойига ўртача 2-6 миллион сўмдан иш ҳақи олади. Шу билан бирга, бу ерда ишчиларнинг мароқли дам олиши, овқатланиши учун ҳам қўшимча қулайликлар ташкил этилган.

— Бу жойларда асрлар давомида йўл, сув, электр, табиий газ таъминоти оғир муаммолардан бири бўлиб келган. "Ёшлар" кичик саноат зонасида жойлашган инфратузилма тармоқлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ҳудудимиз обод масканга айланди, — дейди тадбиркор Аслиддин Дада-

жонов. — Музқаймоқ савдоси мавсумий. Айни жиҳатларни эътиборга олиб, узоқ муддатга мўлжалланган бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиққанмиз. Бу мавсум тугагач, қандолат маҳсулотларини тайёрлашни бошлаймиз. Шу боис, ишчилар ўрни йўқолмайди.

Ҳозирда 80 сотих ерда самарали фаолият кўрсатаётган ёш тадбиркор яқин истиқболда лойиҳа доирасида қурилиш моллари ишлаб чиқаришни қўшимча тармоқ сифатида ишга туширишни мақсад қилган. Бунинг натижасида келгусида тошлоқлик яна 50 нафар йигит-қизлар доимий иш ўрни билан таъминланади.

**М.ТУРҒУНБОЕВА.**



✓ Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# ТУҒИЛДИ-Ю, ШУ ОН БЎҒИЛДИ

## Ёки нега "Жамоатчилик назорати масканлари" фаолият юритмай қўйди?

Агар эътибор берган бўлсангиз, бундан икки йил аввал ҳудудларда "пешонаси"га "Жамоатчилик назорати" деган ёзув битилган енгил конструкцияли қурилмалар пайдо бўлди. Кечалари хонадонларнинг чироғи ўчса ҳамки, унинг электр жиҳозлари тонгга қадар ёруғ тартиб турди. Бу масканлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 сентябрдаги "Маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, маҳалла фуқаролар йиғинларида бунёд этилганди.

"Жамоатчилик назорати масканлари"ни ташкил этишдан мақсад маҳаллаларда тинчлик, осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг мулкига бўлган тажовузларнинг олдини олишдан иборат эди. Шундай бўлди ҳам. Ўша пайтдаги жараёнларни бугунги кунда кўз олдингизга келтирсангиз, қарор ижросини таъминлаш учун саъйи-ҳаракатлар кескин авж олганди. Кўп ўтмай кичик-кичик қурилмалар пайдо бўлди, унинг ичида маҳалланинг масъул ходимлари, фаоллар ўтириб, жамоат назоратини олиб боришди. Бундан кўпчиликнинг кўнгли тўқ бўлгани бор гап. Маълум маънода, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик-

рашли профилактика инспектори ва унинг ёрдамчисига юклатилади. Шунингдек, ҳужжатда бундай масканларнинг эксперимент доирасидаги шартлари белги-



чилик назорати масканлари"дан тадбиркорлик фаолияти сифатида фойдаланаётган, маиший хизмат кўрсатиш шохбаси очган шахслар ҳам бор. Аммо қурилмаларнинг кўпи

аллақачон йўқ бўлиб кетган. Гўё "будка"ларни биров елкалаб кетгану, ҳеч ким кўрмаган. На маҳалла фуқаролар йиғинидан, на қарор ижросига масъул идоралардан тайинли жавоб оласиз. Қолган-қутганига ҳам 24 соат ичида биров бош суқмайди. Айримларининг эса фаолият тури белгиланган муддат етмай туриб ўзгариб кетган. Ташландиқ ҳолатдаги, ичи ахлат ва чиқиндиларга тўла қурилмаларни ҳам учратдик. Ўрнатилиши зарур бўлган видеокамералардан асар ҳам йўқ.

– Ҳудудимизда "Жамоатчилик назорати маскани" қурилган эди. Фаолиятига кўп бўлмай, унинг ўрнида 8 қаватли турар жой биноси қуриладиган бўлди. Шу тариқа бузиб ташланди, – дейди Фарғона шаҳридаги "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алижон Давронов. – Маълум маънода, ушбу маскан жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос таянч бўлаётган эди.

Маҳаллага масъул раҳбарларнинг бири у, бири бу деди, аниқки, биргина Фарғона шаҳрида бундай қурилмалар 21 тани ташкил этган бўлса, бугунга кунда уларнинг бирортаси ҳам фаолият юритмайди.

Қўқон шаҳар, "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Авазбек Мадалиевнинг айтишича, ҳудуддаги "Жамоатчилик назорати маскани" қамоқхонадан муддатини ўтаб кел-

ган фуқарога "Paynet" шохбаси сифатида фойдаланиш учун берилган эди. Аммо у фойдали меҳнат билан шуғулланишни истамади. Шу тариқа қурилманинг кичик эшигига катта қулф осилди.

Ўзбекистон тумани, "Бозор-Яйпан" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Жамоатчилик назорати маскани"га ўрнатилган IP-технологияларига асосланган видеокузатув мосламаси орқали учта кўча назоратга олинганди. Бир ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги туфайли қурилмага жиддий шикаст етиб, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келди. Бу воқеа содир бўлганидан анча муддат ўтган бўлса-да, уни айбдор томонидан таъмирлатиш билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

– Маҳалламиз бозор ҳудудига яқин. Ушбу тизим афзаллиги сабаб, аҳоли хушёрлиги ортиб, жиноятчиликни камайтиришга эришаётган эдик. Кейинчалик назорат йўқолди, маскан ишляптими-йўқми, бировнинг иши бўлмай қолди, – дейди "Бозор-Яйпан" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Узоқов.

Аслини олганда, қарорда қайд этилганидек, "Жамоатчилик назорати масканлари"нинг фаолият юритишига жавобгар, яъни ижарага берувчи – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ижарага олувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Ижара шартномаси муддати тугагандан сўнг масканларнинг бинолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мулк ҳуқуқи асосида қолдирилади, қолган мол-мулк ва жиҳозлар тадбиркорлик субъекти томонидан эркин тасарруф этилади.

Афсуски, эгасиз қолган "Жамоатчилик назорати масканлари" узоқ фаолият кўрсата олмади. Уларнинг қурилиши учун сарфланган миллион-миллион маблағлар ҳавога со-  
вурилди.

Муаттар МАҲМУДОВА.



нинг олдини олиш учун замин яратилганди. Аммо...

Вазирлар Маҳкамаси қарорида қайд этилганидек, "Жамоатчилик назорати масканлари" тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга ижарага берилиб, негизда "Электрон кузатув масканлари" фаолияти эксперимент тариқасида ташкил этилади. Тадбиркорлар томонидан бундай масканларга ўрнатилган видеокамералар ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмидаги "Вазиятни кузатиш марказлари" билан мажбурий интеграцияси таъминланади. Уларнинг фаолиятини назорат қилиш маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳудудга қа-

ланган. Биз бу шартлар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасмиз, чунки яхши ниятлар билан барпо қилинган бундай масканлар қандай тез пайдо бўлган бўлса, уларнинг аксарияти шундай ҳолатда йўқолиб кетди.

Вилоятимизда қарор ижроси доирасида 393 та маҳалла фуқаролар йиғинларида "Жамоатчилик назорати масканлари" ташкил этилди. Енгил конструкцияли қурилмалар бўлса-да, озмунча маблағ сарфланмади. Энди бугунги ҳолатга назар ташлайдиган бўлсак, мақсадли тадбирлар мақсадсиз, хўжақўрсинга ёки ҳайбаракаллачилик тарзида амалга оширилганини кўраемиз.

Ўрганишлар давомида гувоҳи бўлганимиз шуки, жойлардаги "Жамоат-



✓ **Турмуш чорраҳасида**

## ЛАЪНАТ АЙТИНГ

Сизга барча ҳавас қилсин зиёда,  
Шаънингизга гард тушмасин дунёда,  
Садоқатни тож деб билиб маъвода –  
Изн берманг хиёнатга, онажон!  
Бизлар учун сиз аслида – фаришта,  
Турмушимиз сиз-ла обод, саришта,  
Ибрат бўлиб ҳаммамизга ҳар ишда –  
Алвидо, денг хиёнатга, онажон!  
Хайдаб солиб шубҳа-гумон – ҳар ишни,  
Ғамнок дилга дафн этайлик ташвишни,  
Поклик ила қарши олиб ёз-қишни –  
Қиё боқманг хиёнатга, онажон!  
Тумор тақинг бўйнингизга вафодан,  
Кимга фойда ўткинчи кайф-сафодан,  
Гуноҳкорлар қочолмагай жазодан,  
Лаънат айтинг хиёнатга, онажон!  
Иснод – тиғин санчиб бизни ўлдирманг,  
Ишонч гулдек нафисдирки, сўлдирманг,  
Шайтанатнинг жирканч сафин тўлдирманг,  
Она бўлиб қолинг мудом, онажон!

Ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган ушбу сатрларга кўз югуртирдиму, эндигина ўн беш ёшга тўлган қизалоқнинг миттигина жуссаси ғам-ғуссаю, изтиробнинг бунчалар залворли юкини қандай кўтариб турганидан ҳайратга тушдим. Катталардан воқеани суриштириб билгач, тахминим тўғри чиққанидан афсусландим...

...Улар ўн олти йил давомида турмушнинг оғир юкини биргаликда кўтаришди. Бирин-кетин шириндан-шакар фарзандлар дунёга келди. Рўзғорга ҳам барака кириб, "Нексия" русумли автомашина сотиб олишди.

Бахтиёржон табиатан ҳаракатчан йигит эмасми, энг сара кўчатлар ўтқазиб, томорқасида ажиб боғ барпо этди. Қишин-ёзин шу ерда куймаланади, шигил мевага кирган дарахтларни худдики боласидек парваришлайди, ҳосил пишиб етилганда, йиғиб-териб олиб, бозорга югуришдан эринмайди. Аини дамда турмуш ўртоғи Нафиса-ю, фарзандларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди, уларни хушнуд этиш учун турли-туман режалар тузади.

Боғ бу йил ҳам мўлжалдагидек ҳосил берса, Нафисахонга "Спарк" автомашинаси олиб бермоқчи эди. Аммо...

**Иссиқдан лоҳас бўлиб толиққанлиги учун Бахтиёр бугун уйга эртароқ боришга аҳд қилди. Ҳовли сув сепгандек жимжит. Ўғли ва қизи қўшни болалар билан ўйнаб юришгандир, ҳойнаҳой. Аммо Нафиса қаерда экан?**

Шу онда аёлининг ётоқхонада телефон орқали ким биландир кулишиб гаплашаётганини эшитди. Ҳойнаҳой, синглиси бўлса керак. Майли, би-ир дардлашиб олсин, деди-ю, ювиниб, энгил тортиш мақсадида ҳаммомга кирди. Муздек сув вужудида роҳат бағишлади, чарчоғи эсдан чиққандек бўлди.

Орадан ўн беш дақиқа вақт ўтиб қайтиб чиқса ҳамки, аёли ҳануз телефонни қўлоғидан туширмаганди. Сўхбатга шу қадар берилиб кетгани учун эрининг кириб келганини ҳам

сезмади.

Аслида Бахтиёрнинг ўзгалар гап-сўзига кулоқ тутадиган одати йўқ эди. Бироқ, Нафисанинг "Қачон кўришамиз, соғинмадингизми?" – дея эркаланишидан ҳушёр тортди. Гўшакдан келган жавоб хотинига мойдек ёқди шекилли, баралла кулиб юборди ва шу ондаёқ "Эртага кўришгунча, тағин ваъдани унутиб қўйманг-а!", – дея телефонни ўчирди.

Ногаҳон остонада турган эрига кўзи тушиб, вужуди шамол эсгандаги баргдек титраб кетди. Бахтиёр ортиқча савол бермади, жанжаллашмади, гиламда ётган телефонни олди-ю, шахд билан кўчага отилди.

Машинасини ўт олдириб, уяли алоқа компаниясининг тумандаги шохобчасига йўл олди. Йўл-йўлакай хотинидаги телефон рақами ўзининг номига расмийлаштирилганини эслаб, фуқаролик паспорти ёнидами-йўқлигидан хавотирланиб, кийимларини пайпаслади. Хайрият, шахсини тасдиқловчи ҳужжати машинада экан.

Сўровга асосан хизматчи қиз зум ўтмай қўлига маълумотнома тутқазди. Боши бору адоғи йўқ SMS хабарлар, бир хил рақам билан соатлар давомидаги узлуксиз сўхбатлар дилини вайрон этди. Қанийди, уйғонган бўлиб кўзини очса-ю, ёмон туш кўрганлигини англаб етса!

Йўқ, афсуски, бу – шунчаки туш эмас, аини ҳақиқат эди. Ўн олти йил бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалолли унга хиёнат қилгани аниқ!

Шунча йилдан буён биргаликда ҳаёт кечирган бўлишса, бирор марта сен-менга боришмаганди. Эрнинг жаҳли чиқса – хотин сукут сақлар, хотин бирор нарсадан ранжиса – эри уни юпатмагунча тинчимасди. Ҳаммаси яна изига тушиб кетаверарди.

Бахтиёр шуларни ўйлаб, "Ҳаммаси ёлғон, бўлмаган гап!" – дея оламга

жар солгиси келар, аммо қўлидаги ғижимланган маълумотномага кўзи тушгач, алам билан тишларини ғижирлатишдан ўзга чора тополмасди. Шу кайфият билан уйига кириб келди-ю, катта набирасини қучоқлаганча йиғлаб ўтирган онаизорига кўзи тушди. Кичиги айвонда ухлаб ётарди.

Онасининг айтишича, Нафиса уйдаги нарсаларини йиғиштирибди-ю, қайнонасининг ҳай-ҳайлашига қарамай чиқиб кетибди. Икки нафар норасида оёқларини қучоқлаб ялинса ҳам парво қилмабди...

Нафисанинг ўз ота-онаси бўлган воқеадан бохабар бўлгач, уни кўчага ҳайдаб юборишди. Ҳозир унинг қаердалигини ҳеч ким билмайди.

Умиджон ҳали кичкина эмасми, онасининг нима учун бирданига йўқолиб қолганини тушунмайди, уни сўраб хархаша қилмаган куни йўқ. Ғурури топталгани етмагандек, болага қандай жавоб қайтаришни билмай Бахтиёрнинг боши қотган...

\* \* \*

– Онанг қаердалигини сен ҳам билмайсанми? – сўрайман қизчадан.  
– Дадамга хиёнат қилиб, уйдан

чиқиб кетганидан кейин бирор марта ҳам кўрганим йўқ.

– Унинг хиёнат қилганини қаердан биласан? Ёки даданг айтдимми?

– Йўқ, ўзим биламан. Аям уйдалигида бир одам билан телефонда узоқ гаплашиб турарди. Бир марта у кимлигини сўраганимда, "Муштдек бола бўлсанг, нима ишинг бор", дея кўчага чиқариб юборган.

– Қизим, хиёнат нима ўзи?

– Яқинларини алдаш, уларни ташлаб кетиш.

– Қайтиб келса, аянгни кечира оласанми?

– Билмадим. Аям кетганидан буён дадам кўп йиғлайди, аммо буни ҳеч кимга билдирмасликка ҳаракат қилади. Айтмоқчи, мен шеър ёзгандим. Ўқиб берайми?


– Майли, ўқий қол.

– Фақат битта шарт бор – буни дадам билмаслиги керак. Билса, яна хафа бўлади, майлими?

Шундай қилиб, у юрагимга оғир юк бўлган юқоридаги битикларни ўқиб берди...

**Дурдона ҒОФФОРОВА,  
"Навбахор" газетаси бош  
муҳаррири.**

ХИЁНАТГА, ОНАЖОН!





## “ПУЛ ЙЎҚОТСАНГ ҲАМ, ОБРЎИНГНИ ЙЎҚОТМА”



**Иброҳимжонни олтириқликлар “Электротехниканинг устаси” деб таърифлашади.**

– Отам оддий уста, онам уй бекаси. Оилада катта фарзанд бўлганим боис, хонадон даромадига ҳисса қўшиш елкамга тушган. Бузилиб қолган радиоприёмникни билганимча таъмирлаб, сотганим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бу маблағ илк шахсий жамғармам эди, – дейди “Бозорбоши” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Иброҳимжон Раҳимбердиев. – Кейинчалик қишлоқдошларим уйда бузилиб қолган телевизор, дазмол, вентилятор каби электр энергиясида ишлайдиган буюмларни тузади деган бўлдим.

Иброҳимжоннинг техника

жиҳозларини таъмирлашга қизиқиб бораётганини пайқаган отаси унга уларнинг бир четида ихчамгина устахона куриб берди. Шу аснода уни сўраб келгувчиларнинг кети узилмай қолди.

– Сўнгги йилларда маиший техникаларга шунчалик боғланиб қолдикки, уларсиз кундалик ҳаётимизни тасаввур этиш мушкул. Масалан, компьютерсиз иш тўхтаб қолгандай бўлади, мобил алоқа воситаси бўлмаса, ўзингизни дунёдан узилиб қолгандек ҳис қиласиз. Улардаги арзимас носозлик ҳам кундалик фаолиятга таъсир қилади. Шундан бўлса керак, бугун мен каби электротехника усталарига эҳтиёмдорлар кўп. Яқиндан бошлаб

электросамокат ва скутерларни ҳам таъмирлаётман, – дейди уста.

Ахборот технологиялари ривожланиб бораётган даврда ИТ соҳасига қизиқувчи ёшлар сони ортиб бормоқда. Иброҳимжон Раҳимбердиев бу йил умумтаълим мактабини тамомлади. Шу билан бирга, Марғилон шаҳридаги ИТ-Parqда дастурлаш бўйича билимини бойитди. Тенгдошларида электротехникага бўлган қизиқишни орттириш мақсадида ижтимоий тармоқда шахсий саҳифасини очди. У техникага оид тажрибасини назария билан боғлаш ниятида Тошкент давлат техника университети тига ҳужжат топширди.

– Бир шиорим бор, уни дадам ўғитлари орқали ўзлаштириб олганман. Яъни, пул йўқотсанг ҳам обрўингни йўқотма. Меҳнатим ортидан келаётган даромад эвазига рўзғоримиз бут. Келажакда ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиб, маиший техникаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман, – дейди у.

Орзуга айб йўқ.

**М. ТУРҒУНБОЕВА.**

## ҲАРБИЙ ҚИСМДА ДАВРА СУҲБАТИ



**Сўх туманида жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар оила аъзолари иштирокида “Хотин-қизларни экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслигининг олдини олиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Бугунги кунда диний-экстремистик гуруҳлар, жиҳодий жамоа ва уларнинг даъватчилари бутун дунёга хавф солмоқда. Ҳеч қандай давлат ўзини терроризм, экстремизм, ахборот хуружидан холи ҳудуд деб айтолмайди. Бундай вазиятда хотин-қизлар ва ёшларнинг алдамчи ғоялар таъсирига тушиб қолмаслигининг олдини олиш, ҳушёрликни қўлдан бой бермаслик, ҳамisha огоҳ бўлиб яшаш зарурати муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясининг мазмун-моҳияти, миллий қадриятларнинг ўзбек халқи ҳаётидаги ўрни, эзгулик ва инсонийлик фазилатлари ҳақида фикрлар билдирилди. Экстремистик оқимларнинг тинчликка хавф солаётган кирдикорларига ҳаётий мисоллар келтирилди.

**Ғайбулло СОБИРОВ,**  
**ҳарбий хизматчи.**

### СИЁСИЙ ШАРҲ

## ҚОРАБОҒ – ОЗАРБАЙЖОННИКИ!

**Ёки глобаллашув: сон ва сарҳад – ҳал қилувчи омил**

Сўнгги икки кун давомида Озарбайжондан ҳарбий кучлари Арманистоннинг Тоғли Қорабоғ ҳудудини эгаллаб олгани ҳақида хабарлар келиши тинмаяпти. Арманистон ва Озарбайжон расмийлари Қорабоғ тўлиқ Озарбайжон тасарруфига ўтганини, у ерда яшовчи арманлар эса ҳудудни ташлаб чиқиб кетишганини тасдиқладилар. Бу воқеалар ҳақида сиёсий шарҳловчилар турлича фикрлар билдиришмоқда.

Қуйида шарҳловчи Камолiddин Раббимовнинг “Фарғона ҳақиқати” газетаси учун Қорабоғ воқеалари ҳақидаги махсус ёзган кузатуви эълон қилинмоқда.

2020 йилнинг кузидаги Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги Қорабоғ учун уруш – Кавказ минтақасидаги янги геосиёсий вазиятни расмийлаштириб бошлади.

Кейинги икки асрда Россия империяси, кейинроқ, Россия Федерацияси Кавказда, Марказий Осиёда ўз сиёсатини амалга оширишда этник арманлардан ва Арманистондан жуда самарали фойдаланиб келди. Мисол учун, 20-асрнинг бошларида юз берган Қўқон қирғинида Дашноқ арманларининг қўли билан мисли кўрилмаган қирғинлар туфайли Фарғона водийсида қўрқитиш ва бўйсундириш кампанияси амалга оширилган эди.

Кавказда эса, айнан Арманистон ва этник арманлар Россиянинг таъсир инструменти бўлиб келди. Жумладан, собиқ СССР парчаланганидан кейин ҳам Россия Федерацияси Арманистонни Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти (КХШТ)га аъзолиги доирасида ҳарбий-стратегик ёрдам бериб келди, Озарбайжон ва Грузияга босим геостратегиясида фойдаланди.

Лекин, глобаллашувнинг ўз қоидалари бор. Жумладан, халқлар, миллатларнинг сони, салмоғи ҳамда улар яшаб турган сарҳадлар, ҳудудларнинг аҳамияти ошиб боради.

Дунё туркийлари – Евро-

осиё сарҳадларида жуда кенг тарқалган бир неча юз миллионларни ташкил қилувчи халқлар ҳисобланади. Дунё туркийлари Россиянинг Узоқ Шарқ, Сибирь минтақаларидан тортиб, Кавказ ва жанубий федерал округигача истиқомат қилади.

**Хитойнинг бешдан бир қисмида ҳам туркийлар яшаб келмоқда. Марказий Осиёнинг тўрт давлати, Кавказда Озарбайжондан ташқари, Туркия, Венгрия каби давлатлар ҳам соф ёки аралаш туркий ўзлик тафаккурига ва геосиёсатига эга.**

Натижада, Россия олдида ўта оғир дилемма кучайиб борди: ёки Арманистонни қўллаб-қувватлаш орқали Туркия, Озарбайжон ва Марказий Осиёдаги тўрт республика, жами, камида олти давлат билан бевосита оғир ва зиддиятли муносабатларга эга бўлиш, ёки Арманистондан воз кечиш ҳисобига қолган давлатлар билан муносабатларни ижобийлаштириш танлови...

Яъни, Россия олдида турган

танловда, томонлар ва уларнинг ресурслари ўртасидаги тафовут ниҳоятда катталашиб кетди. Шунинг учун, расмий Москва, 2020 йилги Қорабоғ урушида, ва бугунги кундаги Қорабоғ устидан Озарбайжоннинг тўлиқ ҳуқуқий назорат ўрнатишида, Арманистонни қўллаш олмади. Қолаверса, Арманистонни қўллаш учун, ҳуқуқий асослар ҳам йўқ: чунки, расман Қорабоғ – Озарбайжоннинг ерлари ва бу ҳолатни Арманистоннинг ўзи ҳам расман тан олган.

Глобаллашувда халқлар ва миллатларнинг ўзлиги, ушбу ўзлик асосидаги сон-санок ва ҳудудлар катта-кичиклиги катта роль ўйнайди. Олдинги даврдагидек фақат куч ишлаши ҳисобига сиёсат олиб бориш қийин.

Демак, Арманистоннинг Қорабоғдан чиқиб кетишига мажбур бўлиши – нафақат Озарбайжон ва уни қўллаётган Туркиянинг, балки дунё туркийларининг кейинги икки асрдаги йирик муваффақиятларидан ҳисобланади.

**Камолiddин РАББИМОВ,**  
**сиёсий шарҳловчи.**

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, Б.Марғиновий кўчаси, 69-уй, 11-хонада жойлашган “MEGA ALOQA” МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилоят ИИББ томонидан 2013 йилда Джаллилов Дилмурод Хасанович номига берилган Нафақа гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари таҳририяти” МЧЖ жамоалари “Фарғона ҳақиқати” газетаси муҳбири Маҳиёра Бойбобоевага қайнонаси

**Мамлакатхон АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.





## ШОИР ВА МУАРРИХ

# МУШРИФНИ БИЛАСИЗМИ?


**М**ирзо Олим Мирзо Раҳим ўғли Мушриф XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошида яшаб ижод этган таниқли тарихчи ҳамда шоирдир. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар бизгача кам етиб келган. Мушриф Қўқон хони Худоёрхоннинг кейинги хонлик даврида унинг саройида мушриф, яъни мирзолик қилиш билан шуғулланган. “Мушриф” тахаллуси лавозимига ишора қилиб олинган.

Шоир хоннинг кўплаб ҳарбий юришларида иштирок этган. Бизгача “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” (Султонлар насабномаси ва хоқонлар тарихи) номли ўзбек тилида ёзилган асари етиб келган. Бир нечта қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади.

Асар бўйича Азиз Қаямов, Шодмон Воҳидов, Солижон Йўлдошев, Акбаржон Матғозиев каби олимлар тадқиқот олиб борганлар. Асар нусхаси 1995 йилда Тошкентда чоп этилган. Солижон Йўлдошев томонидан рус тилига қилинган таржима эса 2007 йилда нашр қилинган.

**Мушриф “Ансоб ус-салотин” асарини 1902-1903 йилларда яратган. Гарчи унда тарихий воқеалар насрий услубда баён қилинган бўлса-да, кўплаб ўзбек ва форс тилидаги шеърлар ва шеърий парчалар учрайди. Биз ушбу мақоламизда шоирнинг шеърлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.**

Маълумки, Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдорларидан бўлган Худоёрхон тож-тахтдан воз кечи, кейинги умрини мусофирликда ўтказган. Унинг дарбадарликдаги ҳаёти, ғарибликда вафот этиши, Қўқондан кетганидан сўнг хонлик тугатилиб, юрт мустамлакага айланганлиги, мазкур фожиали воқеаларга атаб ўша даврдаги машҳур шоирлар Фурқат ва Завқий бир қанча шеърлар битишган. Фурқатнинг “Қаён қолди” радибли мухаммаси, Завқийнинг “Айрилдим” радибли мухаммаси фикримизнинг исботидир. Айниқса, Худоёрхон тилидан ёзилган мухаммасларида хоннинг тақдирига бўлган ачиниш, мустамлака асоратига тушган юрт-



хоннинг ўғилларидир. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, 1995 йилда нашр этилган “Қўқон хонлиги тарихи” китобидаги бу шеър вариантда айрим хатолар учрайди.

Масалан, иккинчи байтдаги “шаҳзода ўлғон” жумласи қўлёзма нусхада “шаҳзода ўрмон” деб берилган. Ҳамда учинчи байтда: *Муҳаммадаминбек хасойилнинг ҳам, Қўнглида кўп қолди, армон, алвидо.*

**Қўлёзмада:**  
*Муҳаммад Аминбек хасойил нек ҳам, Қўнглида кўп қолди, армон, алвидо, тарзида ёзилган.*  
Шунингдек, ўн еттинчи байтдаги: *Ё илоҳи, бер шариятга ривож, Уммати Аҳмад Хуросон, алвидо.*

**Қўлёзмада:**  
*Ё илоҳи, бер шариятга ривож, Уммати Аҳмад ҳаросон, алвидо, деб битилган.*

Биз шеър матнини нашрга тайёрлашда юқоридаги каби хатоларни тўғрилаган ҳолда, таъдил қилдик.

**Мушриф**

### ВИДОНОМА

*Кетти бул Фарғонадин хон, алвидо, Гўйё тандин жудо жон, алвидо, Жондин ортуқ эрди Насрулло бегим, Хушлақаб шаҳзода ўрмон, алвидо, Муҳаммад Аминбек хасойил нек ҳам,*

нинг келажаги учун қайғуриш оҳанги яққол сезилиб туради.

Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин” асаридан жой олган шеърларида ҳам шу ғоя ифодаланганлигини кўрамиз. Агар Фурқат ва Завқий мухаммасларини Худоёрхон тилидан ёзган бўлсалар, Мушриф хоннинг саройидаги энг яқин кишиларидан бири бўлганлиги сабабли, бу воқеаларни ўз тилидан баён қилади.

*Кетти бул Фарғонадин хон алвидо, Гўё тандин жудо жон, алвидо, Жондин ортуқ эрди Насрулло бегим, Хушлақаб шаҳзода ўрмон алвидо.*

Мушрифнинг “Афсус”, “Дариғномаи Мушриф”, “Видонома”, “Дўстлар”, “Ходисоти Худуси Фарғона воқеоти вуқуъи бегона” каби шеърларида ҳам юрт мустақиллиги учун қайғуриш ғояси ўз ифодасини топган.

Биз қуйида шоирнинг “Видонома” шеърини ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Унда номлари зикр қилинган Насриддин, Фансуруллоҳ, Ўрмонбек, Муҳаммад Амин Худоёр-

*Қўнглида кўп қолди, армон, алвидо, Хушлақаб боадаб Саййид Умар, Бофаросат, хўби хўбон, алвидо. Фонсуруллоҳ нури чашми хос эди, Сақласун ҳифзида яздон, алвидо. Бўлди чун шаҳзода Фатхулоҳ шаҳид, Айласун ҳамроҳи имон, алвидо. Шоҳ Насриддини соҳиб Андижон, Хушфатонат шоҳи шоҳон, алвидо. Жонишин бўлди атоси жойиға, Саҳл кун Фарғонаға хон, алвидо. Кетти хоним барча авлоди билан, Доғ бўлди жумла инсон, алвидо. Эй раҳим! Раҳм айла, сақла барчасин, Айлағил умрин фаровон, алвидо. Боис ўлди неча давлатхоҳлари, Авлиё-ю Абдурахмон, алвидо. Зулфиқорбек бирла Маҳмудхожа шум, Барчасин урди Қуръон, алвидо. Фитна солди шаҳри Хўқанд мулкиға, Боғийлардин кетти имон, алвидо. Молу жоҳ, фарзанддин бўлди жудо, Бўлди рус мулкида сарсон, алвидо. Ҳар маконда бўлса ризқи рўзисин, Айлағил ё раб, фаровон, алвидо. Эй кариму қодир донойи ҳол, Айлағил ишларни осон, алвидо. Ё илоҳи, бер шариятга ривож, Уммати Аҳмад ҳаросон, алвидо. Хурмати ҳазрат Муҳаммад Мустафо, Фотимаю Шоҳимардон, алвидо. Тарихи минг икки юз тўқсон икки, Соли тўнғуз кофиристон, алвидо. Олиму Мушриф, сўзунг кўтоҳ қил, Хотиринг бўлди паришон, алвидо.*

**М.ХИРОЖИДДИНОВА,**  
“Қўқон” давлат музей кўриқхонаси филиали – Фафур Ғулум номидаги Адабиёт музейи илмий ходими.

<p><b>МУАССИС:</b> «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati</p>	<p>2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p>	<p><b>Бизнинг манзил:</b> 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.</p>
<p><b>Бош муҳаррир:</b> Рустам ОРИПОВ.</p>	<p>Газета “Полиграф-пресс” МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1943 нусхада чоп этилди. Буюртма № 596. Босмаҳона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.</p>	<p><b>Бош муҳаррир қабулхонаси:</b> (факс) 73 226-02-70. <b>Реклама ва эълонлар:</b> 73 226-71-24. <b>Саҳифаловчи:</b> Илҳомжон Жуманов. <b>Босишга топшириш вақти:</b> 18.00. <b>Топширилди:</b> 17.00.</p>

